

Туркияда ҳилол ва юлдуз кўринишида масжид қурилмоқда



13:42 / 09.07.2019 1982

Туркиянинг Сивас шаҳрида ҳилол ва юлдуз кўринишидаги масжидда қурилиш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Бу ҳақда «Анадолу» агентлиги маълумотига таяниб, azon.uz сайти хабар беради.

Туркияда бундай кўринишга эга ягона масжиднинг қурилиш ишлари 2017 йилда бошланган. Ушбу масжид шаҳар ҳокимлигининг ёрдами ва хайр-эҳсонлар билан қурилмоқда.

Юқоридан қараганда, масжиднинг ҳилол ва юлдуз шаклида эканлиги яққол кўринади. Юлдуз кўринишидаги ёпиқ майдонда бир пайтнинг ўзида 3,5 минг, ҳилол кўринишидаги ҳовлида эса 5 минг киши намоз ўқиши мумкин.

